XORAZM MA’MUN AKADEMIYASI AXBOROTNOMASI – 7/2020

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ МИНТАҚАВИЙ БЎЛИМИ ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ

ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ АХБОРОТНОМАСИ

Ахборотнома ОАК Раёсатининг 2016-йил 29-декабрдаги 223/4-сон қарори билан биология, қишлоқ хўжалиги, тарих, иқтисодиёт, филология ва архитектура фанлари бўйича докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган

2024-12/4
Вестник Хорезмской академии Маъмуна Издается с 2006 года

Хива-2024

Бош муҳаррир:
Абдуллаев Икрам Искандарович, б.ф.д., проф.
Бош муҳаррир ўринбосари:
Ҳасанов Шодлик Бекпўлатович, к.ф.н., к.и.х.

Таҳрир ҳайати:

Абдуллаев Икрам Искандарович, б.ф.д., проф.	*Пазилов Абдуваеит, б.ф.д., проф.*
Абдуллаева Муборак Махмусовна, б.ф.д., проф.	*Раззақова Сурайё Раззоқовна, к.ф.ф.д., доц.*
Абдуҳалимов Баҳром Абдурахимович, т.ф.д.,проф.	*Рахимов Рахим Атажанович, т.ф.д., проф.*
Агзамова Гулчехра Азизовна, т.ф.д.,проф.	*Рахимов Матназар Шомуротович, б.ф.д., проф.*
Аимбетов Нагмет Каллиевич, и.ф.д., акад.	*Рахимова Гўзал Юлдашовна, ф.ф.ф.д., доц.*
Аметов Якуб Идрисович, д.б.н., проф.	*Рўзметов Бахтияр, и.ф.д., проф.*
Бабаджанов Хушнут, ф.ф.н., проф.	*Садуллаев Азимбой, ф-м.ф.д., акад.*
Бобожонова Сайёра Хушнудовна, б.ф.н., доц.	*Салаев Санъатбек Комилович, и.ф.д., проф.*
Бекчанов Даврон Жуманазарович, к.ф.д.	*Сапарбаева Гуландам Машариповна, ф.ф.ф.д.*
Буриев Хасан Чутбаевич, б.ф.д., проф.	*Сапаров Каландар Абдуллаевич, б.ф.д., проф.*
Ганджаева Лола Атаназаровна, б.ф.д., к.и.х.	*Сафаров Алишер Каримджанович, б.ф.д., доц.*
Давлетов Санжар Ражабович, тар.ф.д.	*Сирожов Ойбек Очилович, с.ф.д., проф.*
Дурдиева Гавҳар Салаевна, арх.ф.д.	*Сотипов Гойипназар, қ/х.ф.д., проф. Тожибаев*
Ибрагимов Бахтиёр Тўлаганович, к.ф.д., акад.	*Комилжон Шаробитдинович, б.ф.д., академик*
Исмаилов Исҳақжон Отабаевич, ф.ф.н., доц.	*Холлиев Аскар Эргашевич, б.ф.д., проф.*
Жуманиёзов Зохид Отабоевич, ф.ф.н., доц.	*Холматов Бахтиёр Рустамович, б.ф.д.*
Жуманов Мурат Арепбаевич, д.б.н., проф.	*Чўпонов Отаназар Отожонович, ф.ф.д., доц.*
Кадирова Шахноза Абдухалиловна, к.ф.д., проф.	*Шакарбоев Эркин Бердикулович, б.ф.д., проф.*
Каримов Улуғбек Темирбаевич, DSc	*Эрматова Жамила Исмаиловна, ф.ф.н., доц.*
Курбанбаев Илҳом Жуманазарович, б.ф.д., проф.	*Эшчанов Рузумбой Абдуллаевич, б.ф.д., проф.*
Курбанова Саида Бекчановна, ф.ф.н., доц.	*Ўразбоев Ғайрат Ўразалиевич, ф-м.ф.д.*
Қутлиев Учқун Отобоевич, ф-м.ф.д.	*Ўрозбоев Абдулла Дурдиевич, ф.ф.д.*
Ламерс Жон, қ/х.ф.д., проф.	*Ҳажиева Мақсуда Султоновна, фал.ф.д.*
Майкл С. Энжел, б.ф.д., проф.	*Ҳасанов Шодлик Бекпўлатович, к.ф.н., к.и.х.*
Махмудов Рауфжон Баходирович, ф.ф.д., к.и.х.	*Худайберганова Дурдона Сидиқовна, ф.ф.д.*
Мирзаев Сирожиддин Зайниевич, ф-м.ф.д., проф.	*Худойберганов Ойбек Икромович, PhD, к.и.х.*
Мирзаева Гулнара Саидарифовна, б.ф.д.	

Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси: илмий журнал.-№12/4 (109), Хоразм Маъмун академияси, 2024 й. – 229 б. – Босма нашрнинг электрон варианти - http://mamun.uz/uz/page/56

ISSN 2091-573 X
Муассис: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси минтақавий бўлими – Хоразм Маъмун академияси

© Хоразм Маъмун академияси ноширлик бўлими, 2024

МУНДАРИЖА ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

Abdullaev X.D. Badiiy nutqning psixologik funksiyasi 5

Abulkasimova Yu.S. Kiberxavfsizlik ta'limida nutqiy va leksik kompentatsiyalarini zamonaviy texnologiyalar asosida o‘rganish 8

Adilova D.K. O‘zbek va rus she’riy matnlarida “ayol” leksik birligining lingvistik realizatsiyasi 10

Alimova M.R. Tarjimada kognitiv lakunalar muammosi 13

Allaberganova D.A. Omon Matjon she’riyatida fonografik vositalarning qo‘llanilishi haqida 16

Aripova S.T. Linguocultural features of the translation of stories in English and Uzbek 19

Atabayeva Z.B., Umarova M.Y. Gyotening “Faust” asaridagi Mefistofel va doktor Faust obrazlarining adabiy tasnifi 23

Azimbayeva N.T. Akademik Bo‘riboy Axmedov ilmiy merosi 25

Bannopova Z.X. Ingliz va o‘zbek tilida kiyim dizayni va moda terminologiyasining lingvomadaniy xususiyatlari 30

Bo‘ronov I.Q. “Favoyid ul-kibar” va “Badoyi’ ul-vasat” devonida Husayn Bayqaro siymosining aks etishi 33

Botirova H.A. Linguistic-Pragmatic Study of Phraseological Units in English-Uzbek Literary Translations 38

Boboyev T. Xajviy she’rlar tilshunoslik nazariyasi ob’yekti sifatida 40

Bozorova D.I. The connection between stylistics and pragmatics 44

Davurova U.J. Kuzatuvchining matn va diskursdagi vazifasi 47

Davurova U. Matn kommunikativ - pragmatik nazariya sifatida 50

Eshonqulova S.I. Nodira she’riyatining diniy-ma’rifiy, falsafiy-tasavvufiy va axloqiy g‘oyalari 53

Gavxaroy Isroiljon qizi Turizm terminologiyasining tarjimadagi strategik jihatlari 59

Hamroyeva G.T. Sharof Boshbekovning konflekt yaratish mahorati 62

Haydarov A.A. Badiiy tasvirda ritm, qofiya va ohangning o’rni va ahamiyati 66

Холмурадова Ж.Э. Хоразм достонлари лексикасига хос лакуналарнинг лексик – услубий талқини 220

Худайберганов Ш.Э. Об особенностях перевода крылатых выражений с русского языка на узбекский 222

Юлдашев А.У. Лингвокультурологические основы исследования русской и узбекской предикации 226

УЎК 81.362

ХОРАЗМ ДОСТОНЛАРИ ЛЕКСИКАСИГА ХОС ЛАКУНАЛАРНИНГ ЛЕКСИК – УСЛУБИЙ ТАЛҚИНИ

Ж.Э.Холмурадова, ўқитувчи, Тошкент амалий фанлар университети, Тошкент

Аннотация. *Мақолада Хоразм достонлари лексикасидаги айрим сўзларнинг адабий тил ва шевага хос ҳолатлардан семантик фарқланиши ҳақидаги мулоҳазалар атрофлича изоҳланади.*

Калит сўзлар: *Хоразм, фольклор, достон, шева, лексика, адабий, бадиий, лексика, адабий, тил, стилистик, семантик, маъно.*

Аннотация. *В статье комплексно комментируются мысли о особенностях и типах хорезмских поэм.*

Ключевые слова: *Этнокультурный, Хорезм, фольклор, поэма, южный, северный, языковой, художественный, лексика, литературный, язык, стилистический, литературоведение, языкознание.*

Abstract. *In this article the ethno cultural peculiarities and types of Khorazm`s epics are clarified.*

Key words. *Ethno cultural, Khorazm, folklore, epics peculiarities, south, north, linguistic, literary, lexica, language, literature, linguistics.*

Маълумки, сўзлар достон тилида аввало номинатив-тасвирий функция бажариши билан характерланади. Достонда кечган воқеа-ҳодисалар, уларда иштирок этган персонажлар хаттиҳаракати, уларнинг муносабати, ўзаро суҳбатлари, улар тушиб қолган шароит ва вазият тасвирига ҳамда бу тасвирлари тингловчига етказишга хизмат қилувчи лексик бирликларни қўлланишига кўра достонлар матнида адабий тилда ва шеваларда мавжуд бўлиб, маънода фарқланувчи (ёки маъно доираси кенгайган) сўзлар тартибида ҳам гуруҳларга бўлиб ўрганишни тақозо қилади. Лексик бирликларнинг бу маъноларини тузилажак изоҳли луғатда ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ бўлур эди. Шундай сўзлардан бири адабий тилда мавжуд бўлган ***тоза*** сўзидир. Бу сўз "Ўзбек тилининг изоҳли луғати" да тавсифланган *озода, покиза, соф, асил, пок, жуда ҳам, роса, намунали* маъноларидан ташқари *чиройли, гўзал, ихчам, янги, оппоқ, мафтункор* маъноларини ифодалаш учун ҳам хизмат қилади: 1) *чиройли, гўзал, ихчам, оппоқ, мафтункор* маънолари устун: *Кўрўглининг эки кўзи Қирмондалининг оқ билакинда,* ***тоза*** *бўқоқинда* (Хўжёз бахши, Хирмондали,16-бет). 2) *чиройли, гўзал, янги* маъноларида: *Боғбон бўлиб терсам* ***тоза*** *гулингдан* (Хўжёз бахши, Хирмондали, 42-бет).

Шимолий Хоразм шеваларида эса ***тоза*** сўзи кўп ҳолларда шахсга нисбатан қўлланилиб, ижобий хусусиятни белгилашга хизмат қилади. Жумладан, *беғубор, очиққўнгил, ишончли соғлом, пишиқ, пухта, қинғир йўлларга юрмайдиган, ҳаром-ҳариш ишлардан узоқ юрувчи киши* маъноларида ишлатилади. Масалан, 1) беғубор, очиққўнгил: *Нишетсада* ***тоза*** *одам-до, ҳеч ёмон хиёлга бормийди.*

2) ишончли пишиқ, пухта: *Унга ишонса бўлади,* ***тоза*** *одам.* 3) пишиқ, пухта, яхши: *У* ***тоза*** *ишлийди.* 4) соғлом, қинғир йўлларга юрмайдиган, ҳаром-ҳариш) ишлардан ҳазар қиладиган одам маъноларида: *Улар суяги* ***тоза*** *одамлардан.* Бундай мисолларни мазкур шевада ва достонларда анча учратиш мумкин.

Шимолий Хоразм достонларида ҳам, шеваларида ҳам, адабий тилда ҳам мавжуд бўлиб, маъно жиҳатидан фарқ қилувчи (ёки маъно доираси кенгайган) сўзларни ифодалаган маъноларига кўра турлича мавзуий гуруҳларга бўлиб ўрганиш лозим бўлади:

1. Предмет (нарса) номлари: ***кавак*** - чуқурча, бўшлиқ, ин, уя маъноларидан ташқари Шимолий Хоразм достонларида хилват жой маъноларида ҳам келади: *Гўрўғли ҳалиги отлининг изини олип боравирди, борип бир тоғдинг* ***кавагина*** *кирди* (Худирган бахши, Қирқ минглар, 26-бет).

Коса *- пиёладан каттароқ идиш: тарвуз ёки ҳандалакнинг ярим, баъзан чорак палласи: бош косаси* (анат)дан фарқли мазкур достонлар тилида ва маҳаллий шевада чой ичишда қўлланиладиган *идиш - пиёла* маъносида ишлатилади. *Бешисина беш* ***коса*** *ароқ соп берди* (Худирган бахши, Қирқ минглар, 4-бет).

«Хирмондали» достонининг Хўжёз бахши вариантида Гўрўғлининг номи *Кўрўғли,* Хирмондалининг номи эса *Қирмондали* тарзида қайд этилган.

Нор - арабча эркак туя, бадандаги туғма қизғиш доғ, исм, ўт, олов, анор маъноларидан ташқари, катта, улуғ, бирон машғулот ва касб-ҳунар эгаси, бошлиқ, раҳбар, хўжайин, кўпчиликни ўзига эргаштира олувчи киши маъноларида келади: 1) *катта: Ғиротға минганда* ***нор*** *кўзим-мастон* (Хўжёз бахши, Хирмондали. 16-бет). *Мастон кўзим* ***нор*** *очилур* (Худирган бахши, Қирқ минглар,17-бет). 2) бошлиқ, раҳбар, хўжайин, кўпчиликни ўзига эргаштира олувчи киши: *Авазжоним ғўч йигитлар* ***нориди*** (Худирган бахши, Қирқ минглар,5-бет).

2. Мавҳум номлар: ***Дам(и)*** - 1) нафас, тин, сўлиш, ишдан бўш вақт, истироҳат, ором, ҳордиқ, тўпланган ҳаво ёки газ, тафт, иссиқ, ҳарорат, буғ, ҳовур. 2) он, лаҳза, кез, пайт, гоҳ, гоҳо. 3) кўрага, ўчоққа ҳаво юборадиган гармонсимон асбоб. 4) чет, қирғоқ. 5) асбобнинг ўткир томони, тиғи маъноларидан бошқа чангал, тузоқ, исканжа маънолари учун ҳам ишлатилади: *Тушдим Лойхўрдинг* ***дамина*** (Худирган бахши, Қирқ минглар, 24-бет.). *Бу пошшо ойтди: "Ай, Арслонбой, бу қизинг едди ёшиннан ўн саккиз ёшина чиққанчалли* ***дамина*** *тушган уч юз олтмиш полвон йигитларди ўлтирди. Ўзи қоон, ўзи пошшо бўлди"* (Хўжёз бахши, Хирмондали, 56-57-бетлар).

Нишон(а) - белги, аломат, из, асар, мўлжал, шахс исми, мевали дарахтнинг илк меваси ва яна далил, исбот маънолари ҳам мавжуд: 1) *Қирилган бўлса уннан* ***нишона*** *йўқма, деди* (Худирган бахши, Қирқ минглар, 14-бет.). 2) ***Нишонасина*** *қулоқ-мурнини келтирдим,- деди* (Худирган бахши, Қирқ минглар,14-бет.).

3. Белги-хусусият ифодаловчи сўзлар ***-ёмон*** - сифати, нави паст, яхши эмас, ахлоқи, феъли атвори бузуқ, ярамас, нохуш, ёқимсиз, кўнгилсиз,зарарли, разил, оғир, хатарли, қаттиқ, паст бахо, адабсиз гап кабилардан ташқари жуда, роса, ниҳоятда маъносида ҳам келади: *Кўрўғлининг бу сўзина паризоттинг ёмон қаьри келди* (Хўжёз бахши, Хирмондали, 21-бет).

Ожиз - жисмоний жиҳатдан кучсиз, заиф, бўш, беқувват, нотавон, ноилож, кўриш қобилиятини батамом йўқотган кўр сингарилардан ташқари паст маъносида: *Кун гунорта бўлган вахтда Гўрўғли Лойхўрға ожиз келди* (Худирган бахши, Қирқ минглар, 23-бет). *Карам султон ўзининг ожиз кегани Ошиқ Ойдин пирга маълум эканини пайқади* (Хўжёз бахши, Хирмондали, 44-бет).

4. Ҳаракат-ҳолат ифодаловчи сўзлар: ***Ёздирмоқ*** дастурхонни ёздирмоқ, оёқ чигилини ёздирмоқ. Достонларда ечмоқ маъносида учрайди: *Дўхтирлар Ҳасанхондинг алдиннан чуволди* ***ёздирип*** *олди* (Худирган бахши, Қирқ минглар,14-бет).

Кўпирмоқ - ўта мақтанчоқ, мақтанчоқлик қилмоқдан ташқари тўлиб-тошмоқ, кучқувватини кўз-кўз қилмоқ, намойиш қилмоқ маъноларида: *Қирқ йигит* ***кўпирип*** *отланип қўявирди* (Худирган бахши, Қирқ минглар,15-бет). *Гўрўғли узоқдан оёқ остина қарамай, от минан бостирип,* ***кўпирип-тошип*** *келавирди* (Хўжёз бахши, Хирмондали, 49-бет).

Қирилмоқ//қирмоқ, - уришмоқ, жанжаллашмоқдан фарқли кўпчиликнинг бирданига вафот этиши, ёппасига ўлиши ёки ўлдирилиши ҳам тушунилади: *Қирқ йигитим* ***қирилип*** *қолди, -деди* (Худирган бахши, Қирқ минглар,27-бет).

Митиқ ойтир ўқим ёмон,
Ғанимларди қўйман омон,
Қирарман *жонни бегумон -*
Пилтамни ўт олан чоқда

(Худирган бахши, Қирқ минглар,16-бет).

5. Вақт билдирувчи сўзлар: *Оқшом//охшом* - қуёш ботиши билан тун бошланиши ўртасидаги ғира-шира ёруғ пайт, кеч, кечқурун. Достонларда ҳам, шевада ҳам бу сўз фақат кеча, олдинги кун маъносида келади: *Гўрўғли қирқ йигитиминан* ***охшом*** *шўрда бўлди* (Худирган бахши, Қирқ минглар,14-бет).

6. Ўрин-жой маъноли сўзлар. ***Ич(и)*** - ички бўшлиқ, ошқозон, қорин, юрак, дил, қалбдан ташқари ора(си), ўрта(си) маънолари келади: *Бу беш отлининг* ***ичинда*** *бирави "Хабарингди бер, не кўрдансан?"- деди* (Худирган бахши, Қирқ минглар,1-бет).

Сирт(и) - нарсаларнинг ташқи томони, ташқи юзи, тизма тоғ чўққилари билан бирга уст, юқори, юза қисми ва ғойибона, изидан каби маъноларни ҳам ифодалаш учун хизмат қилади: 1) уст, юқори, юза қисми: *Гўрўғли бир кийикди Доғистаннан отип оп оттинг* ***сиртина*** *бўктарип юриб иди* (Худирган бахши, Қирқ минглар, 3-бет). 2) Изидан, орқаворотдан: *Пошшо* ***сиртиннан*** *от-овозасини эшитар иди. (Хўжёз* бахши, Хирмондали, 56-бет).

Ўнг(и) - гавданинг юрак ўрнашган томонига қарама-қарши жойлашган, амалда, ҳақиқатда содир бўладиган воқеа ёки ҳодиса, бор нарса, ҳақиқат, реал ҳолат, нарсанинг одатда кўриниб турадиган томони, сирти, бирор иш-ҳаракат қилиш учун қулай фурсат, шароит маъноларидан фарқли олдинги томон, рўпара маъноларида ҳам ишлатилади: *Авазхонни ҳам* ***ўнгинда*** *қўйди* (Худирган бахши, Қирқ минглар, 7-бет). *Кампир от устиннан келип саксан минг нооз, тўхсон минг жилва, икки ғамзаминан Кўрўғлининг* ***ўнгинан*** *келип таъзим беравирди.* (Хўжёз бахши, Хирмондали, 5-бет). *Гўрўғли* ***ўнгиндаги*** *кампирдан сўради: "Сан арвоҳмисан, одам ули одаммисан? Не кўрдансан?"* (Хўжёз бахши, Хирмондали, 5-бет).

Кўриниб турибдики, достонлар тилининг ўзбек адабий тили билан ўхшаш томонлари бўлгани ҳолда, ўзига хос алоҳида хусусиятлари ҳам мавжуд. Шу сабабли, кўп томлик ўзбек тилининг изоҳли луғати ёки ўзбек халқ шевалари лугатларини тузиш ишида асосий манба адабий тил материаллари бўлса ҳам, ўрни билан сўзларнинг турли маъно хусусиятларини изоҳлашда фольклор материалларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Худирган бахши, “Қирқ минглар”, қўлёзма, ЎзРФА фольклор архиви.
2. Хўжёз бахши, “Хирмондали”, қўлёзма, ЎзРФА фольклор архиви.